

Мумтоз адабиётимиздаги сара асарларнинг мохияти (ботини)га чуқур кириб бормасдан уларга “дунёвий” ёхуд “сўфиёна” ёрлигини ёпиштириш холлари кейинги йилларда кўпайгани сир эмас. Холбуки жаҳон ва ўзбек тасаввуфшунослиги хусусан Н.Комилов, И.Хаккулов А.Абдугафуров, М.Имомназаров каби олимларимиз дунёвий ва диний-сўфиёна асарларга хос белгилар нималардан иборат бўлишлиги тўғрисидаги асосланган фикрларини илмий жамоатчилик эътиборига такдим этганлар ёхуд бу жихатлар бугунда аниқ тизим (система)га солиниб бўлинган. Афсуски, кейинги йилларда чоп этилаётган катор тадқиқотларда тилга олинган майлпарастлик (тенденциозлик) яна учраб қолаётир.

Хар бир асарнинг сўфиёна ёки сўфиёна эмаслиги эса, аввало мазмун билан белгиланади ва бунда асар мазмунида кўзга аниқ ташланиб турадиган унсурлар ҳисобга олинади. Айни чоғда, мазмун ботинида, образлар магзида яширинган сўфиёна маънони аниқлашда асарнинг зулмаънайн (икки маъноли)лиги эътиборда тутилади. Шу билан бирга, шакл билан боғлиқ (хусусан), тил, тимсоллар истилохлар) унсурлар ҳам асарни у ёки бу гуруҳга киритишга асос беради. Бирок шакл ҳам, мазмун ҳам алдамчи хусусият касб этиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиш асарнинг мансублик даражасини белгилашга албатта монелик қилади. У холда мазмун ва шаклни уйғунликда олиш, ботин мазмун товланишларига диққатни жамлаш мақсадга мувофиқдир.

Машраб, Нишотий, Сўфи Оллоҳёр, Хувайдо шеърятининг сўфиёна эканлиги исботталаб эмас. Айни иайтда, уларнинг манзум асарлари (Сўфи Оллоёр бундан мустасно) дунёвийликдан ҳам холи эмас. Хўш, унда бу шоирлар шеърятини қай тарика мазмуний таснифлаш лозим? Бўлиниш учун қайси унсурлар асос бўла олади? Бир умр дунё ва уқбо хақида шеър битган Машрабни қайси гуруҳга киритиш лозиму дунёвий маъшукни таъриф-тавсиф этиш баробарида ахир бу ҳам нафсининг бир кўриниши-ку!) инсон камолотини биринчи навбатга қўйган Нишотий, Хувайдоларни қай гуруҳга киритиш керак?

Шу ўринда И.Хаккулнинг “Сўфийликда мурод - софланиш”, деган фикри том маънода ҳақ. Адабиёт инсон камолоти учун хизмат қилади. Фалсафий-ахлоқий таълимот бўлган сўфийликнинг зохиран намоён бўлиш жараёни адабиётда акс этади. Шунта кўра, Сўфи Оллоёр, Хувайдолар шеърятда бадиийлик ва рамз қурилиши, изчил бадиий мазмун етакчи эди, дейиш унчалик тўғри эмас. Зеро, улар биринчи галда тасаввуф дунёкараши тарғиботи билан машғул бўлганлар. Машраб, Нишотийларда тасаввуфий дунёкараш тарғиботи ўларок, мазмун силсиласи, бадиий тасвир воситалари, шакл мутаносиблигига эришилган. Натижада, улар ҳам дунёвий (зоҳирда), ҳам тасаввуфий (ботинда) гоёни тарғиб қила билиш малакасига эга бўлганлар.

Чунончи, Машраб шеърларидаги зохирий маъно худди ботиндаги маъно каби сўфиёна эканлиги аллақачон исботини тоиган. У қўллаган истилохлар, тимсолларнинг шарҳи кўп мақолаларда учрайди. Шунга суяниб, Машраб шеърятини дунёвийликдан холи эди, дейилса, яна бир томонламаликка йўл қўйилади. Агар, Инсон Худонинг ердаги халифаси эканлигини ва Парвардигор оламларни яратишдан мақсади Одамни яратиш эканлигини

эсласак, адабиётда дунёвийлик ёхуд тасаввуфийлик деган нисбий таснифларга ўрин колмаган; адабиёт - Инсон учун, деган ягона маслак устивор эканлигини тушуниб етилар эди. Бошка воситалар катори адабиёт, жумладан шеърият инсон маънавиятини юксалтирувчи, уни асл холига кайтарувчи воситага айланади.

Бадиий адабиётда малех шеърлар ҳам, кабах шеърлар ҳам учрашлиги ёки малех шеърларда аксарият дунёвий гўзалнинг шакли шамойлини макташдан, инсоннинг хирсигагина кувват беришдан нарига ўтмай колганини айблаш инсофдан эмас. Устига устак тоталитар тузум таъсири ўларок, Инсон хакидаги хакикий тасаввур ва тушунчалар ифодаланган асарлар тахлили ўрнини инсоннинг юзи, Кўзи, одати, килигини мактовчи манзум ва мансур асарларнинг тахлиliga мойиллик кучайганлигини ҳам унутмаслик керак. Холбуки, Е.Э.Бертельс аллакачонок: “Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, Ўрта асарлар мусулмон Шарки маданий хаёти хакида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас, бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шаркнинг Ўзини ҳам англаш кийин” ёки “Тасаввуф голялари билан сугорилган ёзма ёдгорликлар сони чексиздир; форс-тожик филологияси ва сўз санъатида деярли хар бир асарда бу голялар ўз аксини топган, деярли хар бир бадиий асарда тасаввуф дунёкараши таъсирини кўриш мумкин”, -деб ёзганда мумтоз адабиётимиздаги деярли барча асарлар у ёки бу жихати билан Инсон камолотига хизмат килади, дегац тезисни илгари сурганда хак эди.

Хулоса шуки, “дунёвий” ёрлигига эга манзум ва мансур асарлар ҳам маълум маънода Инсон камолотига хизмат килади: Бу тамга босилган шеърларнинг зохирига караб, дарров хулоса чиқариш инсофдан эмас. Чунки Исломи дини маъшука (демак - аёл, баъзида -эркак)нинг тан аъзоларини васф қилишни шариат хукмидап ташқарида деб билади ва ошиқ-маъшука ўрталаридап муносабатларнинг “дастурхон” қилиниши ҳам Шаркка хос хусусият эмас. Адабиёт рамзлар асосига қурилади. Шундай экан, шеърий (ёки насрий) асарни бу тасаввуфий, бу дунёвий деб тоифаламасдан, фақат мохиятига эътиборни бериш адабиётшуносликқа ютук бўлади.

М. Сиддиков